

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM,
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT
O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI
JAHON ADABIYOTI VA QIYOSIY ADABIYOTSHUNOSLIK KAFEDRASI

**"SHARQ MUMTOZ POETIKASI
MUAMMOLARI:
NAVOIY VA RUMIY"**

*mavzusidagi xalqaro ilmiy-nazariy
konferensiya materiallari
2025-yil, 22-aprel*

MINISTRY OF HIGHER EDUCATION, SCIENCE AND
INNOVATIONS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
ALISHER NAVAI TASHKENT STATE UNIVERSITY
OF UZBEK LANGUAGE AND LITERATURE
DEPARTMENT OF WORLD LITERATURE AND
COMPARATIVE LITERATURE

*Proceedings of the international
scientific-theoretical conference titled*

**"ISSUES IN ORIENTAL CLASSICAL
POETICS: NAVO'I AND RUMI"**

April 22, 2025

Toshkent
"Nurafshon business"
2025

UO'K 845.711.05

KBK 133.585.3

"Sharq mumtoz poetikasi muammolari: Navoiy va Rumiy" mavzusidagi xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya materiallari. – Toshkent: Nurafshon business, 2025. – 1016 b.

ISBN 978-9910-8871-6-1

*Mas'ul muharrir:
Shuhrat Sirojiddinov,
filologiya fanlari doktori, akademik*

Tahrir hay'ati:

Shuhrat Sirojiddinov (O'zbekiston), Münevver Tekcan (Turkiya), Uzoq Jo'raqulov (O'zbekiston), Agnieska Vojta (Germaniya), Nozliya Normurodova (O'zbekiston), Rukhsana Iftikhar (Pokiston), Almaz Ulviy (Ozarbayjon), Suvon Meli (O'zbekiston), Sergey Nikonorov (Rossiya), Akibatxon Ismanova (Qirg'iziston), Makpal Orazbek (Qozog'iston), Aleksey Pilev (Rossiya), Nurboy Jabborov (O'zbekiston), Shafiqqa Yorqin (Afg'oniston), Amir Ne'mati Lima'i (Eron), Nafas Shodmonov (O'zbekiston), Rakymjan Turysbek (Kazakhstan), Dilmurod Quronov (O'zbekiston), Gulnoz Xalliyeva (O'zbekiston), Dilnavoz Yusupova (O'zbekiston).

Sharq-islom madaniyatining ikki buyuk vakili – Alisher Navoiy va Jaloliddin Rumiy ijodi badiiyati, tarixiy-tipologik xossalari ni ilmiy-nazariy tadqiq etishga qaratilgan "Sharq mumtoz poetikasi muammolari: Navoiy va Rumiy" mavzuidagi mazkur konferensiya materiallari ulkan geografik ko'lami, tipologik talqinlari, tahviliy xulosalarini bilan o'ziga xosdir. To'plam to'rt bo'limdan tashkil topgan. Har bir bo'lim o'zicha mustaqil ilmiy muammoni aks ettirishi bilan birga, Navoiy va Rumiy poetikasi sathida o'zaro umumlashadi, jahon adabiyoti, qiyosiy adabiyotshunoslik, tarixiy hamda nazariy poetika, hozirgi adabiy jarayon muammolarini aks ettirishi bilan ma'naviy-ma'rifiy, badiiy-estetik ahamiyat kash etadi.

Ilmiy to'plam adabiyot nazariyasi, adabiy tanqid, adabiyot tarixi, qiyosiy adabiyotshunoslik, tarjima nazariyasi, tarjimashunoslik bilan shug'ullanayotgan doktorant, tayanch doktorantlar; magistrant va bakalavriyat bosqichi talabalari, shuningdek, badiiy adabiyot masalalari bilan qiziquvchilar uchun mo'ljallangan.

To'plam Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti Ilmiy-texnik kengashining 2025-yil 3-apreldagi yig'ilishi qaroriga asosan nashrha tavsiya etilgan.

**Mualliflar qarashlari tahririyat nuqtayi nazaridan
farqlanishi mumkin.**

UDC 845.711.05

KBK 133.585.3

Proceedings of the International Scientific-Theoretical Conference on the topic “Issues in Oriental Classical Poetics: Navoi and Rumi” – Tashkent: Nurafshon Business, 2025. – 1016 pages.

ISBN 978-9910-8871-6-1

*Editor-in-Chief:
Shuhrat Sirojiddinov,
Doctor of Philological Sciences, Academician*

Editorial Board:

Shuhrat Sirojiddinov (Uzbekistan), Münevver Tekcan (Turkiye), Uzoq Jo'raqulov (Uzbekistan), Agnieszka Wojta (Germany), Nozliya Normurodova (Uzbekistan), Rukhsana Iftikhar (Pakistan), Almaz Ulviy (Azerbaijan), Suvon Meli (Uzbekistan), Sergey Nikonorov (Russia), Akibatkhon Ismanova (Kyrgyzstan), Makpal Orazbek (Kazakhstan), Aleksey Pilev (Russia), Nurboy Jabborov (Uzbekistan), Shafiqa Yorqin (Afghanistan), Amir Ne'mati Lima'i (Iran), Nafas Shodmonov (Uzbekistan), Rakymjan Turysbek (Kazakhstan), Dilmurod Quronov (Uzbekistan), Gulnoz Khaliliyeva (Uzbekistan), Dilnavoz Yusupova (Uzbekistan).

The present conference proceedings, titled “Issues in Oriental Classical Poetics: Navoi and Rumi” focus on the scholarly and theoretical exploration of the artistic, historical, and typological dimensions of the works of two eminent figures of Eastern-Islamic culture – Alisher Navoi and Jalaluddin Rumi. With its broad geographical scope, comparative perspectives, and analytical insights, the collection offers a unique contribution to the field. The volume is organized into four sections. Each section explores a distinct scholarly issue while also highlighting the shared poetic features and mutual influences in the works of Navoi and Rumi. The discussions extend to themes in world literature, comparative literary studies, historical and theoretical poetics, and contemporary literary discourse, contributing to both intellectual and aesthetic understanding.

This collection is intended for doctoral and postgraduate researchers, as well as master's and undergraduate students in fields such as world literature, literary theory, literary criticism, comparative literature, translation theory, and translation studies. It may also be of interest to anyone engaged in the study of artistic literature.

The publication was recommended by the Scientific and Technical Council of Alisher Navoiy Tashkent State University of Uzbek Language and Literature on April 3, 2025.

The views expressed in the articles do not necessarily reflect those of the editorial board.

MUNDARIJA

- | | | |
|----|---|----|
| 1. | <i>Shuhrat SIROJIDDINOV. IKKI BUYUK – IKKI TURK (Kirishso'z ornida)</i> | 15 |
|----|---|----|

I SHO'BA NAVOIY VA RUMIY: BADIYAT VA TIPOLOGIYA

- | | | |
|-----|---|-----|
| 2. | <i>Узоқ ЖҮРАҚУЛОВ. МУМТОЗ ПОЭТИКАДА “ИДЕАЛ ОБРАЗ” МУАММОСИ</i> | 20 |
| 3. | <i>Қозоқбой ЙЎЛДОШ. “ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН” ДОСТОНИДА РУҲИЯТ ТАСВИРИ</i> | 48 |
| 4. | <i>Сувон МЕЛИ. “ХАМСА”ДА МУАЛЛИФ “МЕН”И</i> | 57 |
| 5. | <i>Gulnar Agig JAFARZADE. THE INFLUENCE OF RUMI ON ALISHER NAVAI'S PERSIAN RUBAIYAT</i> | 68 |
| 6. | <i>Münevver TEKCAN. ALI SHIR NAVA'I'S IMPACT ON THE TIMURID RENAISSANCE</i> | 79 |
| 7. | <i>Сергей НИКАНОРОВ. К ВОПРОСУ О ФУНКЦИОНАЛЬНОЙ ЗНАЧИМОСТИ ЭПИТЕТОВ В СБОРНИКЕ “СОКОРОВИЩНИЦА МЫСЛЕЙ” АЛИШЕРА НАВОИ</i> | 90 |
| 8. | <i>Maқсуд АСАДОВ. НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ИЖОД ВА ИЖОД АҲЛИ ТАЛҚИНИ</i> | 99 |
| 9. | <i>Шоира АҲМЕДОВА. АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ МАКТУБЛАРИ ҲАҚИДА</i> | 107 |
| 10. | <i>Гулноз ХАЛЛИЕВА, А. ЮСУПОВА. ЕВРОПАДА РУМИЙШУНОСЛИК ВА СУЛТОН ВАЛАДНИНГ БҮЮК БРИТАНИЯДА САҚЛНААЁТГАН АСАРЛАРИ ХУСУСИДА</i> | 116 |

| | | |
|-----|--|-----|
| | <i>Оразбек МАҚПАЛ, Айнур АНАПИНА.</i> | |
| 11. | ӘДЕБІЕТТЕГІ ИНТЕРМӘТІНДІЛІК: АБАЙ ШЫҒАРМАЛАРЫНЫң ӘЛИШЕР НАУАЙМЕН САБАҚТАСТЫҒЫ | 121 |
| | <i>Сайфиддин РАФИДДИНОВ.</i> | |
| 12. | НАВОЙ ВА РУМИЙ ИЖОДИННИҢ ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШ МАММОЛАРИ | 128 |
| | <i>Dilnavoz YUSUPOVA.</i> | |
| 13. | MAVLONO JALOLIDDIN RUMIY VA ALISHER NAVOIY ASARLARIDA SAMARQAND TALQINI | 137 |
| | <i>Илхом ФАНИЕВ.</i> | |
| 14. | ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ВА АЛИШЕР НАВОЙ АСАРЛАРИДА ИНТЕРТЕКСТУАЛЛИК | 146 |
| | <i>Islamjon YAKUBOV.</i> | |
| 15. | JALOLIDDIN RUMIY MEROSSI VA ZAMONAVIY O'ZBEK ROMANCHILIGI | 153 |
| | <i>Gulbahor ASHUROVA.</i> | |
| 16. | TARIXIY SHAXS TASVIRI: NAVOIY OBRAZI | 162 |
| | <i>Qahramon TO'XSANOV, Muhammadamin JURAQULOV.</i> | |
| 17. | RUMIY VA NAVOIY IJODIDA ILM-MA'RIFAT TALQINI | 170 |
| | <i>Mahmadiyor ASADOV.</i> | |
| 18. | HOMO POETIKUS KONSEPSIYASI: NAVOIY VA RUMIY | |
| | <i>Sobit AVEZOV.</i> | |
| 19. | BOQIYLIKKA DAXLDOR BITIKLAR | 174 |
| | <i>Адхамбек АЛИМБЕКОВ.</i> | |
| 20. | АЛИШЕР НАВОЙИННИҢ ТУРКИЯЛИК ШОГИРДИ | 182 |
| | <i>Насиба БОЗОРОВА.</i> | |
| | | 187 |
| 21. | ХАЗРАТИ МАВЛОНОНОНИНГ "МАЖКОЛИСИ САБЪА" ("ЕТТИ МАЖЛИС") АСАРИДА НАЎТ | 191 |
| | <i>Yulduz ZIYAYEVA.</i> | |
| 22. | "OSHIQ-MA'SHUQA-RAQIB" OBRAZI GENEZISI | 198 |
| | <i>Olmos XURRAMOV.</i> | |
| 23. | ALISHER NAVOIYNING "HOLOTI PAHLAVON MUHAMMAD"DA TARIXIY HAQIQAT IFODASI | 205 |
| | <i>Hasamuddin HAMDARD.</i> | |
| 24. | AMIR ALISHER NAVOIYNING HEROT MAKTABINING TUSHUNCHALARINI TEMURIYLAR SIYOSATIGA OTKAZISHDAGI ROLI | 210 |

| | | |
|-----|--|-----|
| 25. | <i>Leyla HƏSƏNOVA.</i> AZƏRBAYCAN ƏDƏBİYYATINDA ROMANTİZM | 220 |
| 26. | <i>Marifat RAJABOVA, Madina IBOTOVA.</i> RUMIY VƏ NAVOIY LIRİKASIDA KO'NGİL METAFORASI | 226 |
| 27. | <i>Sherxon QORAYEV.</i> MAVLAVIY "GIRDİ DARVESHLAR" NING RAQSU SAMO' MAJLISLARI | 231 |

**II SHO'BA
SHARQ ADABIYOTIDA POETIKA
MUAMMOLARI**

| | | |
|-----|---|-----|
| 28. | <i>Улугбек ҲАМДАМ.</i> ГЛОБАЛ ДҮНӘДАГИ ЙҮЛЧИ ЮЛДУЗЛАР | 244 |
| 29. | <i>Zafer TOPAK.</i> ALI ŞİR NEVÂYÎ'NİN TÜRKÇE DİVANLARINDAKİ ŞİİRLE İLGİLİ BENZETMELER VE BUNLARIN ŞAIRİN POETİKASINA KATKILARI | 254 |
| 30. | <i>Gulnoz XALLIYEVA, Adiba MA'DIYEVA.</i> ZAMONAVIY O'ZBEK VA NEMIS SHE'RIYATIDA BAHOR OBRAZINING BADIY TALQINI | 266 |
| 31. | <i>Dilrabo QUVVATOVA.</i> MUMTOZ POETIKADA MASNAVIYGA OID QARASHLAR TALQINI | 275 |
| 32. | <i>Вусала НАСИБОВА.</i> КОМПЛЕКС НОВРУЗОВСКИХ ОБРЯДОВ В АЗЕРБАЙДЖАНСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ | 279 |
| 33. | <i>Диляра ХАЛИЛОВА.</i> К ВОПРОСУ О МЕЖКУЛЬТУРНОМ ПОТЕНЦIAЛЕ ХУДОЖЕСТВЕННЫХ ТЕКСТОВ НАВОИ И ПУШКИНА В ПРЕПОДАВАНИИ РУССКОГО ЯЗЫКА | 285 |
| 34. | <i>Orazbek MAQPAL, Әнуар ЗЕРДЕ.</i> НҮРЛАН МӘҮКЕНҰЛЫ ШЫҒАРМАШЫЛЫҒЫ ЖӘНЕ АБАЙ ДӘСТУРИ | 289 |
| 35. | <i>Olim OLТИНБЕК.</i> RAUF PARFI SHE'RLARINING VAZN XUSUSIYTLARI | 297 |
| 36. | <i>Farhad RAHİMİ.</i> FERAĞÎ'NİN MİFTAHU'L-LÜGAT SÖZLÜĞÜNÜN DÜZENİ VE EL YAZMASI ÜZERİNE | 312 |

| | | |
|-----|--|-----|
| 37. | <i>Orzigel HAMROYEVA.</i> QOFIYAGA OID BIRLIKLARNING QIYOSIY TAHLILI | 325 |
| 38. | <i>Ainisa AKMATOVA, Makhlie NAZAROVA</i> THE SPECIFIC PECULIARITIES OF THE IMAGE "WOMAN" IN THE EPIC MANAS AND IN ALISHER NOVOIY'S WORKS | 333 |
| 39. | <i>Tojxi HOPOV.</i> АЛИШЕР НАВОЙЙ БОРЛИҚ ФАЛСАФАСИДА КОСМОС, МАКОН ВА ЗАМОН ТАЛҚИНІ | 341 |
| 40. | <i>Rustam SHARIPOV.</i> МАHMUDUXO'JA BEHBUDIY VA ABDURAUF FITRATNING MILLIY DAVLATCHILIK HAQIDAGI QARASHLARI | 353 |
| 41. | <i>Feruza BURXANOVA.</i> BADIY SO'Z JILOSI | 370 |
| 42. | <i>Ольга ЧИЖИКОВА, Ирина ЯНОВСКАЯ.</i> ЧЕРТЫ КОСМИЗМА В СТИХОТВОРЕНИИ НИКОЛАЯ КЛЮЕВА "БЕЛАЯ ИНДИЯ" И В НЕКОТОРЫХ ПРОИЗВЕДЕНИЯХ ВОСТОЧНЫХ АВТОРОВ | 377 |
| 43. | <i>Komiljon HAMROEV.</i> SHARQ NIKOYATLARINING TIPOLOGIK XUSUSIYATLARI | 386 |
| 44. | <i>Нилуфар УМАРОВА.</i> УЛЖАС СУЛАЙМОНОВ ШЕРЬИЯТИ | 393 |
| 45. | <i>Zebiniso BEKMURADOVA.</i> PAREMIYADA XIAZM | 399 |
| 46. | <i>Азамат ХАЙРУЛЛАЕВ.</i> НОРМУРОД НОРҚОБИЛОВ ҲИКОЯЛАРИДА ОНОМАСТИКА | 404 |
| 47. | <i>Салават АЮПОВ.</i> ОТЗВУКИ РУССКОЙ КЛАССИКИ В ЧЕХОВСКОМ ЭТЮДЕ "БЕЗНАДЕЖНЫЙ" | 422 |
| 48. | <i>پوھنیار امرالله محمدی</i> بررسی زبان شناسانه استعارة مفهومی عشق در اشعار فارسی نوابی <i>Tozagul MATYOQUBOVA.</i> | 429 |
| 49. | <i>G'AFUR G'ULOM SHE'RİYATIDA LIRIK QAHRAMON VA KECHINMANING POETIK IFODASI</i> | 437 |
| 50. | <i>Ирина ЯНОВСКАЯ, Ольга ЧИЖИКОВА.</i> СКУЛЬПТУРНЫЕ ОБРАЗЫ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ А.С.ПУШКИНА | 445 |

| | | |
|-----|---|-----|
| | <i>Шоҳрат Нусрат МАМЕДОВА.</i> | |
| 51. | ЭТНОКУЛЬТУРНАЯ СЕМАНТИКА ДЕТСКИХ ДРАМ МИРВАРИД ДИЛЬБАЗИ | 453 |
| 52. | <i>Umida ABDULLAYEVA. "SHAYX SAN'ON" QISSASIDA USTOZ-SHOGIRD MASALASI</i> | 466 |
| | <i>Yorqinoy NASIRDINOVA.</i> | |
| 53. | ALISHER NAVOIY OBRAZI FRANSUZ ADABIY VA TARIXIY TAFAKKURIDA | 470 |
| 54. | <i>Sayid Nurulloh AMINYOR. ALISHER NAVOIY MA'RIFATNING PORLOQ QUYOSHI</i> | 478 |
| 55. | <i>Qatabek BABAYEV, Munisa BOLTAYEVA. ÜBERSETZUNGSMETHODE VON TECHNISCHEN TEXTEN</i> | 491 |
| | <i>Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ.</i> | |
| 56. | "ТАНАЗЗУЛ" РОМАНИДА МУСУЛМОНҚУЛ МИНГБОШИ ОБРАЗИ | 496 |
| 57. | <i>Matluba MAMADIYAROVA. "ALPOMISH" VA "BEOVULF" EPOSALARIDA AYOL FENOMENI</i> | 503 |
| 58. | <i>Mahbuba QARSHIYEVA. ALISHER NAVOIY: MATNSHUNOSLIK VA MANBASHUNOSLIK</i> | 508 |
| | <i>Feruza SAPAYEVA.</i> | |
| 59. | MAXTUMQULI ASARLARINING TURKIY TILLARDAGI TARJIMALARI VA ULARNING TADQIQI | 514 |
| 60. | <i>Bahor SHUKUROVA. BADIY ADABIYOTDA RAMZIY OBRAZLAR TALQINI</i> | 522 |
| | <i>Nodira SAIDOVA.</i> | |
| 61. | "NAVOIY VA ILOHIYOT"DA "GERMENEVTIK DOIRA" DAN FOYDALANISH | 530 |
| | <i>Sevinchoy YOQUBOVA.</i> | |
| 62. | XX ASR BOSHLARI O'ZBEK SHE'RIYATINING YANGILANISH OMILLARI | 534 |
| | <i>Нибуфар ДИЛМУРОДОВА.</i> | |
| 63. | АСАД ДИЛМУРОД ЭССЕЛАРИНИНГ ГЕНЕТИК АСОСЛАРИ, УЛАРДА МУАЛЛИФ ИФОДА УСЛУБИ ВА БАДИЙ- ЭСТЕТИК КОНЦЕПЦИЯСИ | 541 |
| | <i>Nodira XUDOYNAZAROVA.</i> | |
| 64. | JALOLIDDIN RUMIY VA ALISHER NAVOIY JAHON ADABIYOTI KONTEKSTIDA | 547 |

| | | |
|-----|---|-----|
| | <i>Maftuna NORQULOVA.</i> | |
| 65. | "HALI HAYOT BOR..." QISSASIDA QAHRAMON KONSEPSIYASI | 552 |
| 66. | <i>Dilnavoz BOYZOQOVA.</i> "YUSUF VA ZULAYHO" QISSASIDA OBRAZ TALQINI | 560 |
| 67. | <i>Махфузахон ХОМИДОВА.</i> "БАДОЙИЙ УЛ-БИДОЯ"ДА ИНТЕРТЕКСТУАЛЛИК | 568 |

**III SHO'BA
NAVOIY VA RUMIY IJODIDA MA'RIFAT VA
MILLIYAT MASALALARI**

| | | |
|-----|--|-----|
| | <i>Nafas SHODMONOV.</i> | |
| 68. | "LAYLI VA MAJNUN" DOSTONI SYUJETI VA G'OYASINI SHAKLLANTIRGAN BA'ZI OMILLAR | 578 |
| 69. | <i>DR. KEMAL YAVUZ ATAMAN.</i> OSMANLI DEVLETİ'NİN MANEVİ VE HAKİKİ MÜESSİSİ MEVLÂNÂ CELÂLEDDİN-İ RÛMÎ | 584 |
| 70. | <i>G'ayrat MURODOV, Shahlo SA'DULLAYEVA.</i> MURSHID VA MURID MUNOSABATI | 592 |
| 71. | <i>Нұсратулло ЖУМАХҰЖА.</i> ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ "МАСНАВИЙ МА'НВАЙ" АСАРИНИНГ КИРИШ ҚИСМИ МАЗМУНИГА ЧИЗГИЛАР | 602 |
| 72. | نویسنده: پروفیسور دکتر فضل الرحمن فقیهی هروی نقش امیر علیشیر نوابی در تمثیل‌آفرینی دوره تیموریان هرات | 607 |
| 73. | <i>Darmonoy O'RAYEVA.</i> RUMIY VA HOZIRGI O'ZBEK SHOIRLARI IJODIDA DUNYO TA'RIFI | 619 |
| 74. | <i>Ulkar BAKHSHIYEVA.</i> THE ARTISTIC-AETHETIC FEATURES OF THE MYTHOLOGICAL APPROACH IN NIZAMI GANJAVI'S POEM "ISKANDARNAMA" (IN THE CONTEXT OF LEGENDS RELATED TO KHIDR) | 624 |
| 75. | شیر احمد قرداش صالح | 634 |
| 76. | <i>Odiljon AVAZNAZAROV.</i> NAVOIY DOSTONLARIDA "QADAM" METAFORASI | 642 |

| | | |
|-----|---|-----|
| | <i>Toji NOROV.</i> | |
| 77. | ALISHER NAVOIY FALSAFIY MEROSINING ILOHIY-MA'RIFIY VA MAFKURAVIY ASOSLARI | 649 |
| 78. | <i>Saodat MUMINOVA. AQL VA IDROK O'RTASIDAGI MUVOZANAT</i> | 662 |
| | <i>Мустафа БАЙЭШАНОВ.</i> | |
| 79. | "ПЯТЕРИЦА" НАВОИ В СОКРОВИЩНИЦЕ МИРОВОЙ ЛИТЕРАТУРЫ | 667 |
| 80. | <i>زینب نوروز علی ؛ شاد محمد سهاب جایگاه عقل در اشعار امیر نظام الدین علیشیر نوابی</i> | 671 |
| | <i>Usmon QOBILOV.</i> | |
| 81. | ON THE INTERPRETATION OF THE TRUE OF HUMANITY AND THE UNIVERSE IN ARTISTIC CREATIVITY | 678 |
| 82. | <i>دکتر نورالرخمن ناصح انسان كامل و انسان شناسى از نظر على شير نوابى و مولانا با روپىكىد تېلىقى</i> | 687 |
| 83. | <i>Адхамбек АЛИМБЕКОВ. АЛИШЕР НАВОЙ ҲАҚИДА ТУРК ДОСТОНИ</i> | 693 |
| | <i>Hamza ATEŞ, Kemal ATAMAN.</i> | |
| 84. | MAVLONO JALOLIDDIN RUMIY ASARLARIDA İJTIMOIY O'ZGARISHLAR | 700 |
| 85. | <i>Мавжуда НУРИДДИНОВА, “БОР ҚИТОБИ, ЛЕК ПАЙГАМБАР ЭМАС...”</i> | 710 |
| 86. | <i>Shohista NIYOZOVA. MILLIY QADRIYATNING TAMAL TOSHI</i> | 720 |
| 87. | <i>Duygu KOCA. ALI ŞİR NEVÂYÎ'NİN ESERLERİNDEN AHLAKÎ DEĞERLER</i> | 727 |
| 88. | <i>Iroda ISHONXANOVA. XX ASR 40-YILLARIDA NAVOIYSHUNOSLIK</i> | |
| 89. | <i>Ойдин ТУРДИЕВА, Ойша ШУКУРОВА. РУМИЙ ҒАЗАЛЛАРИДА ТИНЧЛИК ҒОЯСИ ТАЛҚИНИ</i> | 734 |
| 90. | <i>Nargiza SHOALIYEVA. RUMIY VA NAVOINING ISHQQA OID QARASHLARI</i> | 741 |
| | | 747 |

**IV SHO'BA
NAVOIY VA RUMIY
YOSH TADQIQOTCHILAR TALQINIDA**

| | | |
|------|---|------------|
| 91. | <i>Malika SUYUNOVA.</i> HAMZA VA XALQ TEATRI | 766 |
| 92. | <i>Laylo TO'YCHIYEVA.</i> "ULISS" ROMANIDA TRAGIK VAZIYAT XRONOTOPI | 772 |
| 93. | <i>Nilufar HAITOVA.</i> HAMID OLIMJON – NAVOIYSHUNOS | |
| 94. | <i>Shaxnoza TURSUNOVA.</i> SIZIF OBRAZI: TURFA TALQINLAR | 777 |
| 95. | <i>Madina VAHODOVA.</i> "NAVOIY KIRMAGAN UYLAR QORONG'U" | 781 |
| 96. | <i>Sayohat ARZIQULOVA.</i> FATMA SHENGIL SUZAR IJODIDA RUMIY AN'ANALARI | 786 |
| 97. | <i>Osiyo SIDDIQOVA.</i> KOMIZM XÜSUSIDA BIR-IKKI SO'Z | 794 |
| 98. | <i>To'lg'anoy QULJANOVA.</i> ASQAR MAHKAM IJODIDA RUMIYONA OHANGLAR | |
| | <i>Sabinabonu BERDIYEVA.</i> | 802 |
| 99. | "ADABIYOTSHUNOSLIK LUG'ATI" NING ELEKTRON MOBIL ILOVASINI YARATISH XUSUSIDA | 810 815 |
| 100. | <i>Huriniso MENGLIYEVA.</i> DUNYONING AZALIY SAVDOSI | 819 |
| 101. | <i>Баходир ЖОВЛИЕВ.</i> УНИВЕРСАЛ ОБРАЗЛАР КҮЛАМИ | 825 |
| 102. | <i>Zilola JO'RAYEVA.</i> NAVOIY VA RUMIY ASARLARIDA TASAVVUF TIMSOLLARI | |
| 103. | <i>Divora O'KTAMOVA.</i> ALISHER NAVOIY FARDLARINING O'RGANILISHI | 829 |
| | <i>Hediye Zeynep KÖŞEK.</i> | 834 |
| 104. | ALI ŞİR NEVÂİ VE MEVLÂNÂ CELÂLEDDİN RUMÎ'NİN ESERLERİNDE TAKVÂ | 839 |
| | <i>Selenay SAHİN.</i> | |
| 105. | ALI ŞİR NEVÂİ VE MEVLÂNÂ'NIN SANATSAL VE DÜŞÜNSEL YAKLAŞIMLARININ MİMARİ ESERLER ÜZERİNDEKİ ETKİSİ: SOSYO-KÜLTÜREL BİR DEĞERLENDİRME | 849 |

| | | |
|------|--|-----|
| | <i>Nodirjon G'AFUROV, Shahnoza YO'L DOSHEVA.</i> | |
| 106. | NAVOIY "XAMSA"SI VA RUMIY "NAYNOMA"SIDA "NAY" TIMSOLI | 856 |
| 107. | <i>Noila ROXATALIYEVA.</i> "DEVONA" VA "JUNUN" TUSHUNCHALARI TALQINI | 861 |
| | <i>Sema DÜLGAR.</i> | |
| 108. | ŞAİR FÂTIMA HANIM VE KÜTAHYA MEVLEVÎHÂNESİNE ETKİLERİ | 866 |
| | <i>İrem ERDEM.</i> | |
| 109. | ALÌ ŞIR NEVAÎ'NİN MUHAKEMETÜ'L-LUĞATEYN ADLI ESERİNDE EŞANLamlılık | 872 |
| | <i>Dilfuza ISMOILOVA.</i> | |
| 110. | "BIR AYOL HAYOTIDAN 24 SOAT" NOVELLASINING KOMPOZITSION TAHLLİLİ | 881 |
| 111. | <i>Beyza ÖZER.</i> MËKANDAN LÂMEKÂNA: ALÌ ŞIR NEVAÎ VE MEVLÂNÂ | 888 |
| | <i>Ahmet Berat COŞKUN.</i> | |
| 112. | MUHÂKEMETÜ'L-LUGATEYN'DE GEÇEN İŞ/HAREKET BİLDİREN FIILLER VE BU FIILLERİN KUZEYBATI/KIPÇAK TÜRK LEHÇELERİNDEKİ GÖRÜNÜMLERİ | 897 |
| 113. | <i>Aziz NORQULOV.</i> "NASOYIM" PINJIDAGI UMR | 910 |
| 114. | <i>Saodat FAYZIYEVA.</i> JADID MATBUOTIDA NAVOIY IJODI TADQIQI | 916 |
| 115. | <i>Jobir ISMATILLOYEV.</i> MUNIS IJODIDA NAVOIY AN'ANALARI | |
| 116. | <i>Dovud XO'JAQULOV.</i> NAVOIY VA RUMIY IJODIDA SABR TUSHUNCHASI | 924 |
| 117. | <i>Nazokat G'OFUROVA.</i> BILGAMISH - BUYUK SHARQNING QADIM DURDONASI | 930 |
| | <i>Nargiza SHAMIYEVA, Jazira TULEGENOVA,</i> | |
| | <i>Nargiza XOLBOBOYEVA.</i> | 934 |
| 118. | COMPARATIVE STUDY OF MEANING EXPANSION AND NARROWING OF QUALITATIVE ADJECTIVES IN ENGLISH AND UZBEK | 938 |
| 119. | <i>Go'zal OMONOVA.</i> JALOLIDDIN RUMIY HIKOYALARIDA XULQ-ATVOR MASALASI | 944 |
| 120. | <i>Madina TURSUNOVA.</i> MARLO VA SHEKSPIR: IJODIY PARALLELLAR VA FARQLAR | 949 |

| | | |
|------|---|------|
| | <i>Shodiya TURSUNALIYEVA.</i> | |
| 121. | "ABU RAYHON BERUNIY" DRAMASIDA FOJIAVIY VAZIYATLAR TALQINI | 952 |
| | <i>Gulzoda SAFAROVA.</i> | |
| 122. | ERKIN A'ZAMNING "ANOYINING JAYDARI OLMASI" | 957 |
| | HIKOYASIDA IDILLIYAVIYLIK | |
| | <i>Nozima KARIMOVA.</i> | |
| 123. | YOVUZ BAHODIR O'G'LINING "YONAYOTGAN BUXORO" | 964 |
| | ROMANIDA TARIXIY HAQIQAT | |
| | <i>Suhrobjon ZIYODOV.</i> | |
| 124. | YOSHLAR SHE'RIYATIDA NAVOIYGA MUROJAAT | 970 |
| | <i>Sherzod USMONOV.</i> | |
| 125. | ZEBO MIRZO SHE'RIYATIDA METAFORIK OBRAZLAR | 977 |
| | <i>Narmin BABAева.</i> | |
| 126. | ЭТИОЛОГИЧЕСКАЯ СЕМАНТИКА МИФОЛОГИЧЕСКИХ ОБРАЗОВ | 983 |
| | <i>Yüsra KARACA.</i> | |
| 127. | HZ. MEVLANA'NIN YOLU VE HAT SANATI | 993 |
| | <i>Lobar BERDIYEVA.</i> | |
| 128. | SHAVKAT RAHMON SHE'RIYATIDA RAMZIYLIK | 999 |
| | <i>Gulsevar MAMANOVA.</i> | |
| 129. | "YUSUF VA ZULAYHO": GENEZIS MASALASI | |
| | <i>Shahzoda VALIJONOVA.</i> | 1006 |
| 130. | NAVOIY E'TIROF ETGAN XAMSANAVIS | |
| | <i>Dilrabo HAYDAROVA.</i> | |
| 131. | O'ZBEK-TURK HIKOYALARIDA KOMIKLIK | 1014 |
| | <i>Saida DAVRONOVA.</i> | |
| | | 1018 |
| 132. | ALISHER NAVOIY FAOLIYATINING O'ZBEKİSTON KİNOFOTOFONO MILLİY ARXIVI HUJJATLARIDA YORİTİLISHİ | 1022 |
| | <i>Mirjalol SODIQOV.</i> | |
| 133. | "BUYUKLAR TUHFASI" - MUMTOZ ADABIYOT TARIXIGA DOİR TADQIQOT | 1029 |
| | <i>Muhabayo İSTAMOVA.</i> | |
| 134. | AYOL OBRAZI JOZIBASI | 1036 |
| | <i>Iroda ESHMURADOVA.</i> | |
| 135. | YANGI DARSLIKLAR HAQIDA | 1041 |

| | | |
|------|---|------|
| 136. | <i>Ruxsora UNAROVA</i> AHMAD A'ZAM HIKOYALARIDA "JUMBOQ" TASVIRI | 1048 |
| 137. | <i>Maftuna USMONOVA</i> NAVOIYDA "SHOH" VA "GADO" TUSHUNCHALARI TALQINI | 1052 |
| 138. | <i>Nigora TOSHMURODOVA</i> FURQAT VA MA'RIFATPARVARLIK G'OYASI SHARIF YUSUPOV TALQINIDA | 1057 |
| 139. | <i>Muxlisa ASHIRMATOVA</i> NAVOIY VA RUMIY: MUSHTARAK DIDAKTIKA | 1068 |
| 140. | <i>Dilnavoz NAJIMOVA</i> MUMTOZ TURKIY ADABIYOTNI BOLALAR ONGIGA YETKAZISH AMALIYOTIGA DOIR | 1074 |
| 141. | <i>Parvina NARZULLOYEVA</i> XAMSA DOSTONLARIDA UCHRASHUV MOTIVINING O'RNI | 1083 |
| 142. | <i>Roza QURBONOVA</i> NAVOIY VA RUMIY ADABIY MEROSINING BOSHQA TILLARGA TARJIMASI VA CHET ELLARDA O'RGANILISHI | 1090 |
| 143. | <i>Nigina FAYZULLAYEVA</i> A.S.PUSHKIN VA F.M.DOSTOYEVSKIY ROMANLARIDA EPISTOLYAR JANRNING BADIY-ESTETIK FUNKSIYASI | 1097 |
| 144. | <i>Ayşe ÖZTOKLU, Sümeyye ÇAĞLAR YILMAZ</i> MEVLÂNÂ CELÂLEDDÎN RÛMÎ'NİN MESNEVİ'SİNDE Hz. MUSA KISSASINDAN KESİTLER | 1104 |

Шоира АҲМЕДОВА,
филология фанлари доктори, профессор
(Осциё халқаро университети, Ўзбекистон)
Doi. 10.52773/tsuull.conf.2025/KMMZ3334

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ МАКТУБЛАРИ ҲАҚИДА

Аннотация. Мактублар нафақат ёзувчи ва мунаққидларнинг ҳаёти ва ижоди, муайян асарнинг ёзилган даври, тарихи, ёзилиш сабаблари, сирларини ҳам барча зиддиятлари билан ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қиласди. Буюк ўзбек шоири Алишер Навоий хатга жуда катта эътибор билан қараб, уни кишилар орасидаги энг муҳим алоқа воситаларидан бири санаб, мактубни образли тарзда “ҳижрондаги шуъла, тириклик нишони” деб таърифлаган. Мазкур мақолада икки буюк шоир Жалолиддин Румий ва Алишер Навоий мактубларини ўрганиш орқали уларнинг таржими ҳолига оид маълумотлар, адабиёт, бадиий ижод ҳақидаги қайдлар, ахлоқий-маънавий, тарбиявий қарашларига алоқадор фикрлар ойдинлаштирилади. Ҳақиқатан ҳам улуғ адаблар ўз хатларида замонасининг энг муҳим ижтимоий масалаларини ҳам талқин этадилар, шу билан бирга ўз ватанини севадиган, ҳалқининг келажаги учун қайғуриб яшайдиган буюк ва хоккор инсон сифатида кўринадилар.

Калим сўзлар: мактуб, давр, шахс, замон, шеърият, дўстлик, ватанпарварлик, асар.

Abstract: Letters serve as a valuable source for studying not only the life and work of writers and critics, but also the period in which a particular work was written, its history, the reasons for writing, and the secrets of writing with all its contradictions. The great Uzbek poet Alisher Navoi paid great attention to the letter, considering it one of the most important means of communication between people, figuratively describing the letter as “a ray in the wilderness, a sign of life.”

This article, by studying the letters of the two great poets Jalaluddin Rumi and Alisher Navoi, will clarify information about their biography, notes on literature, artistic creativity, and thoughts related to their moral, spiritual, and educational views. Indeed, great writers also interpret the most important social issues of their time in their letters, and at the same time appear as great and humble people who love their homeland and live with concern for the future of their people.

Key words: letter, period, person, time, poetry, friendship, patriotism, work.

Хат инсон кашф этган мулоқотларнинг энг гўзал, энг таъсирчан ва қулай воситаларидан бири эканлиги ҳақиқатдир.

“Мактуб, аввало, фикрлашга, атрофга разм солиб қарашга, яхши-ёмонни танишга, ҳар нарсага мустақил баҳо беришга, ўз фикрига эга бўлишга, кузатувчанликка ўргатади. Шулар баробарида мактуб ёзиш инсон ижтимоий фаоллигининг энг ёрқин кўринишларидан биридир” [11,78]. Мактуб ижтимоий хужжат ҳисобланади. Мактубда ёзувчининг шахсияти, ўзига хос руҳий ҳолати, кечинмалари аниқ ва холисона ифодалана-ди. Шундай экан, буюк шахслар ижодидаги мактубларни ўрганиш уларнинг ижодий лабораториясига кириш имконини ҳам беради.

Жалолиддин Румий ва Алишер Навоий ёзган мактублар буюк адилларнинг турли вазиятдаги кайфиятини ҳаққоний акс эттирган тарихий ҳужжатлар сифатида ҳам ғоят аҳамият-лидир, ушбу мактублар мазмун эътибори билан ғоятда қимматли. Чунки уларнинг кўпчилиги шоирларнинг ҳаёти, ижодий ва ижтимоий-сиёсий фаолиятини ёритувчи бадиий лавҳа-лардир.

Жалолиддин Румий – жаҳон адабиётининг муazzам сиймомалиридан бири. У ўзидан кейинги Шарқ ва Ғарб сўз санъатига катта таъсир ўтказди. Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Мирзо Абдулқодир Бедил каби буюк сўз усталири Мавлонони ўзларига устоз деб билишган. Таниқли румийшунос Зарринкуб таъбири билан айтганда, “Мавлононинг 68 йиллик ажойиб умри бошдан оёқ бир шеър, гўзал, бетак-рор, тугёнли ашъор жараёни, садоси ва бонги билан йўғрилиб ўтди” [<https://ziyouz.uz>]. Мавлоно Румий ўзидан кейинги авлодларга 5 муҳим ва қимматбаҳо асар қолдирди. Улардан бешинчиси “Мактубот” – Мавлононинг турли даврларда замондошлирига ёзган мактубларидан ташкил топган тўплам. Жалолиддин Румий ижоди юксак бадиияти билангина эмас, балки мантиқ кучи, фалсафий фикрларга бойлиги билан ҳам катта таъсир қувватига эгалигини унинг мактублари ҳам на-моён этади, аммо мактублар ҳозирча ўзбек тилига таржима этилмаган.

Ҳазрат Алишер Навоий “Устозлар устози” деб шарафлаган, Абдураҳмон Жомий эса “У пайғамбар эмас, аммо китоби бор” деб улуғлаган Мавлоно Жалолиддин Балхий-Румийнинг асар-

лари таржимаси, мактублари ҳақида ёзувчи У.Ҳамдам шундай ёзган эди: “Лекин шуларнинг барчаси ҳам халқимизнинг, зиё-севарларимизнинг маънавий мулкига айланиб ултургани йўқ. Чунки олдинда “Девони кабир” ва “Мактубот” турибди. Уларни ҳам ўз тилимизга ўгириб олсан, ҳазрат Румий меросининг асоси қўлимизда тўлиқ бўлади. Кейин эса уларни ўзлаштириш саодати билан юзлашамиз” [9,13].

“Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Мактублари” унинг дўстлари ва қариндошларининг илтимоси билан ўша давр шаҳзодалари, вазирлари, хукмдорлари, олимлари, донишманлари, фарзандларига ёзган мактублари тўпламидир. Мавлоно Жалолиддин мактублари юксак илмий-адабий қимматга эга бўлиб, адабий манба ва номанависликнинг қизиқарли на-мунаси бўлиб хизмат қиласи” [5, 400]. Румийнинг “Мактубот” асари турли сабаблар билан турли даврларда турли зотларга ёзган мактубларидан таркиб топган бўлиб, 147 мактубдан иборат. Шафиқ Жон айтади: “Мавлоно бошқа асарлари каби бу асарни ҳам шахсан қўлларига қалам олиб ёзган эмаслар, бал-ки, айтиб туриб ёздирганлар”.

Алишер Навоий Самарқанд, Астробод ва бошқа шаҳарларда яшаб туриб, турли муносабат билан турли замондошларига ёзган насрый мактубларини тўплаб, “Муншаот” номи билан китоб қиласи. “Муншоот”га 107 та руқъя (хат) киритилган. “Муншаот”нинг кириш қисмида туркӣ тилда мактуб ёзишларнинг сабабларини келтириб ўтади [2,134]. “Навоий туркӣ тилдаги мактубларнинг бадиий жиҳатдан заиф, мазмунан ожиз ва яланғочлигига ачинади. Форсий мактубларнинг дил-писандлиги, қадрлилиги уни таажубга солади. Шунинг учун у туркӣ тилдаги гўзал мактубларни тўплаш ва бирор қўлланмага ўхшаш нарса қилиш зарурлигини ҳис этади. Бизнингча, мана шу мақсад ва айни пайтда эҳтиёж Навоийни ўзининг нафис мактубларини йиғиб, алоҳида хатлар тўпламини тузишга мажбур қиласи” [2.133].

“Муншаот”даги мактубларнинг ифода услуби ҳам турлича. Баъзи мактублар қисқа, содда ва равон услубда ёзилган бўлиб, мазмуни тушунарли, айрим мактублар эса, муаллифнинг мақсади аниқ бўлса ҳам, ғоятда бадиий сержило ва жимжимадор

услубда ёзилган. Кўркам сўз ҳам иборалар билан зийнатланган. “Бир мактубки, саҳифасининг оқлиги ярали кўнгил жароҳатига малҳам бўлгиси ва бир номаки, қора ёзувининг нуқтасидан оқарган кўзга равшанлик берувчи қорачиғ бўлгуси-дирким, бу ҳижрон дарди бечорасини айрилиқ дашти оворасини Ушбу хат билан мукаррам қилган экансиз-келиб тегди” [1,134]. Шу мисолнинг ўзиёқ Алишер Навоийнинг хатга қанчалик эътибор берганлигини яққол кўрсатади. Унда Навоийнинг шахси-маданиятли, диди юксак, нафис, инсонга эътибор билан қарайдиган гениал шоир сифатида кўринади.

Ҳазрати Жалолиддин Муҳаммаднинг камол топишида оталари “Султонул уламо” – Баҳоуддин Валаддан бошлаб, Сайид Бурҳонуддин Муҳаққиқ Термизий, шайх Фаридуддин Аттор, шайх Шамси Табризийнинг улкан хизматлари бор. Хусусан, шайх Шамси Табризий Мавлоно ҳаётида фоят муҳим ўрин туттаган севикли сиймодир. Буни ҳазрат Румийнинг Шамс Табризига ёзган мактублари яққол кўрсатади. Шамс Табризий биринчи марта Мавлонони тарк этиб кетганида илк мактубига жавоб бермаган эди. Иккинчи марта: “Эй дунёнинг зарифи, салом сенга... Дардда қолганнинг давоси надир, сўйла?” дея бошланувчи кўзёшларга тўла бир мактуб. Тош бўлса ёрилар, тилга кирав, садо берарди бу мактубга...” [4,66]. “Учинчи мактуб ёниб-куйиб адо бўлган кўнгил нолаларига тўлиб-тошган эди: “О, улуғ ҳазратнинг умрлари узун бўлсин. Яратган эгам унинг ҳимоячиси бўлсин..” деган ниёзлар билан бошланар, унинг иқболи ва давлатига дуолар қилинар эди бу мактубда”.

Румий мактубларида буюк шоирнинг шахсияти, руҳий олами, ғам ва ташвишлари, дўстидан айрилган қалбнингnidолари ёрқин акс этган эди. Шамсга ёзилган тўртингчи мактуб фикримизни ёрқин дапллилади: “Сен бу ердан кетгач, тинчимни йўқотдим. Мазмунли суҳбатингдан маҳрумман энди. Жонимиз эса бойқуш каби вайронада. Энди тизгинни бу томонга бур, нашъу намо филининг хартумини биз томон чўз...”

Мазкур мактубларда ҳазрат Румийнинг ўзидан йироқда яшаб турган дўсти билан дийдорлашувга муштоқлиги, буюк қалбидаги соғинч ҳисси бадиийлик бўёғи билан тасвирланадики, бу тасвир ўқувчини бефарқ қолдирмайди. “Мактуб-

бот”нингасосийқисминиташкил этувчи Мавлононинг 144 та ҳарфининг барчаси арабча “Аллоҳу муфаттихул абвоб”, яъни “Эшикларни очувчи Аллоҳдир” ибораси билан бошланиб, айрим ҳарфлари тожикча бир байт ёки тўрт мисра тожик ва бир араб байт, шунингдек, бир ёки икки арабча жумла билан бошланади. Мактубларнингаксарияти тожик тилида иборалар, жумлалар, арабча шеърлар, мисралар ва ҳадислар ёрдамида, ҳарфлар “омин ёки раббал аламин”, “иншааллоҳи таоло”, “васалом” сўз ва иборалар билан тугайди” [10, 89], (Таржима бизники. – Ш.А.).

Бу фазилат Алишер Навоий мактубларида ҳам ёрқин кўринади. Мактубларни кузатар эканмиз, унинг олижаноб қалби ҳар бир хатида, услубида кўриниб туради. Шарқ одоб-ахлоқига хос сертакаллуфлик, буюклик билан бирга, ғоят соддалик, одамийлик, катталарга таъзим, ёру дўстларга чексиз хурмат ва муҳаббат Навоий хатларининг асосий мотивларини белгилайди. Навоий хатларига хос яна бир хусусият шуки, у ўз фикрларини қатъий буйруқ шаклида эмас, балки кўнгилга хуш ёқадиган даражада мулоҳимлик билан бамаслаҳат ифодалайди. Вазнли наср билан мусажжаъ насрнинг биргалиқда кўлланилиши мактубларда шоир ҳис-туйғуларининг баландлигини, унинг “фикрий ва ҳиссий оламини ифодаловчи восита” сифатида кўринадики, бу мактубларга жозиба ва юксак бадиийлик бағишлийди. Навоий хатларининг кўпчилиги “куллук” (яъни таъзим қиласман) сўzlари билан бошланиб, охири ҳам юксак хурмат кўрсатишнинг намунаси бўлиб хизмат қиласи: “Куллук дуодин сўнгра арзадошт улким”, охири: “Рубъи маскунда ҳукмунгиз равон бўлсун ва рубъи маскун аҳлиға адлингиздин амну Амон. Омин, ё раббил оламин”.

Буюк шоирлар хатларида ҳам уларнинг руҳий олами, кўнгил изтироблари, хурсандчилиги, ижодий муваффақияти, халқ тақдирига оид ўй-орзулари, дўстларига муносабати бевосита ёрқин акс этган. “Олижаноб ҳислар ва ўйлар билан тўла бу хатлар Навоийнинг инсоний қиёфаси, айниқса, унинг кишиларга меҳри ва дўстларга садоқати ҳақида ёрқин тасаввур беради” [6,186]. Ҳақиқатан ҳам бу хатлар улуғ шоирларнинг шахсиятини, руҳий оламини, бошқача қилиб айтганда, маънавий-руҳий

портретини ростгўйлик билан ифодалаганлиги жиҳатидан муҳим адабий, ижтимоий аҳамиятга эгадир.

Жалолиддин Румийнинг ўғли Валад билан юборган мактубида ҳам содик дўст қалбидаги соғинч ва изтироблар ёрқин акс этгани кўринади: “Аллоҳга қасамким, сен кетдингу шомдин тонгга қадар ёнган шамдек эриб, адо булдим. Мум қолмади, ёниб бир чўғ оловга айландим. Сенинг васлингдин йирокда таним вайрон, руҳим шу вайронада бир чуғз кабидир. Отинг жиловини биз томонга бургилким, севинчу саодат бизга юз ўгиргай. Сенсиз севинчимиз мисли иблиси лайндек ҳар кун санг бўрон остидадир. Сенсиз менинг лабларимдин битта ҳам масрур ва маъноли мисра учмади... Фақат мактубда ёзган сўзларингни ўқиб, қувончимдан беш-олти ғазал битдим. О, Шамс, сен ила Арманистон, Рум ва Дамашк ифтихор айлар. Тун зулматини тонг шуъласига мубаддал этгайсен!” [7,178]. Мавлоно дўсти Шамсни “оламнинг хуршиди, ҳақиқат машъали, жаҳоннинг жони” деб атайди. Кўринадики, улуғ шоирларнинг мактуби китобхонларни ижодкор шахсияти ва сеҳрли бадиий ижод сирлари ҳақидағи ҳужжатлар сифатидагина қизиқтириб қолмай, услугуб, шакл гўзаллиги жиҳатидан ҳам диққатга сазовордир.

Мавлононинг мадрасани зўрға тугатган, қайсар иккинчи ўғли Альоуддинга ёзган мактуби ҳам китобхонни бефарқ қолдирмайди: “Ба ҳаққи Худо, ба ҳаққи Худо, ба ҳаққи Худо, – деб ёзган эди шоир, – агар отанг дилига тасалли берайин десанг, уйингни, аҳли хонадонингни унутмагайсен. Ўғлим, кўзингни қоплаган пардадин тезроқ, қутулгайсен, зеро, сен от сурган тарафда саробдан бўлак ҳеч вақо йўқ. Кўплар ўша ёққа от суришди, лекин кўришдиким, у ёқларда сувдин асар йук, эмиш. На ҳожат, на ҳожат, на ҳожат, ҳамманарса шу ерда!.. Мардлигинг, олийжаноблигинг, одамийлигинггаумидулким, сенинг толеингни тилаган дилларга жароҳат солмагайсен. Сенинг бечора отанг ўн мартараб амир Сайфиддин ва унинг одамлари ҳузурига бориб, нечоғлик мушкул бўлмасин, улар эшигида кўл ковуштириб турди. Ҳа, сени деб шу мушқулотни ҳам бўйнимга олдим. Худо ҳаққи ўз уйингдан, ўз одамларингдан кечмагайсен... Отанг кўнглига таскин бер, токи у сенга

мактуб ёзиш ўрнига Парвардигорга ҳамду шукронда этсин!” [7, 183].

Мактубда ўғлининг келажагига умид билан қараган отанинг қалб изтироблари яққол акс этган. Ўғлининг қилмишлари ҳаддан ошгач, у яна бир – сўнгги мактубини ёзди. “Магар бирор кимса андишасизлик йўлида ўғлимизни унинг табиатига зид булган номаъкул йўлдан бошлиётган экан, у ўша йўлдан елибюгуришга ошиқмагай. Кўз олдингда жумла олам ўзгариб, жумла олам сени ҳам ўзгартирсин. Сен ўз йўлингдин юргайсен, ундан адашмагайсен... Ўша ҳужрада ўз отам яшайди, деб фараз килгайсен. Не-не соддадил одамлар ўзгаларга эргашиб, бадкирдорлик йўлига киур. Лекин оқил одам биронинг кўзи кўр ёки ғилай экан деб ўз кўзини уярму? Фалончи ундоқ экан деб, ўшанга эргашиб – оқилларнинг иши эмас!..” Шоир инсон табиатининг энг эзгу сифатлари: руҳий саховат ва олийжаноблилкка кўз тикар, ўғлини “разолат ва манманлик даричасидан юз ўгириб”, “худбинлик ахлатхонаси” эшигидан чиқишига ундарди [7,184].

Бу мактубларда бадиий тафаккур устун туради, ёзувчи хатида шеъриятга хос эҳтирос, лиризм, диалог, деталлаштириш, лирик лавҳа, табиат тасвири, новелла, ҳажвий бўёқ ва бошқа бадиий унсурлар учрайдики, буни ҳар икки шоир мактублари яққол қўрсатади. “Жалолиддин Румий бу мактубларда бир қанча мисра ва ҳадислар, завқли ҳикоятлар, араб ва форс шеърияти, ҳикмат ва ҳикматлар, қизиқарли луғат ва иборалардан фойдалангани бу мактубларнинг “форс риторикасининг муҳим манбаи сифатида қабул қилинишига” сабаб бўлган” [5, 405] деган мулоҳазалар ҳам фикримизни тасдиқлади.

Икки буюк шоирнинг хатларини ўрганиш орқали яна шундай хулосага келамиз: уларнинг хатлари китобхонларни дўстнинг дўстга, ҳамкасбга, биродарига, умуман, инсоннинг инсонга самимий, чуқур хурмат, эҳтиромда бўлишга ўргатади. Мактубнинг туб моҳиятинидалилнинг ўзи эмас, балки энг аввало, шахс ва унга муносабат, шу туфайли туғилган шахсий фикр-ўйлар, кечинмалар, ҳис-туйғулар ифодаси ташкил этиди. Хат ёзувчининг меҳрга тўла қалбидаги ҳароратни хатни олувчига улашади, унинг юрагини ҳам илитиб, саховатга тўл-

диради, десак, муболаға қилмаган бўламиз. Алишер Навоий буни шоирона муболаға билан қуидагича кўрсатади:

Ул руқъаки, сочиб эди кофур уза анбар,

Ҳар нуқтаси мушк эрди-ю ҳар нуқтаси гавҳар –
етиши. Нуқтаси мушкини кўзум мардуми устида қўйдум ва лафзлари гавҳарини жон риштасига чектим, кўз уйи андин мунаввар бўлди ва жон кулбаси мундин зеру зевар топти [2, 208].

Хат ёзиш инсоннинг кўнглига парвардигор солган улуғ бир муруватдир, шу муруватнинг ёғдусидан хат ёзувчининг ҳам, хат оловчининг ҳам қалби ва ҳаётини нурга тўлдиради. Ҳазрат Навоийда бу лаҳза шу қадар ёрқин ифодаланганки, у ҳозиргача ўзининг тароватини йўқотмаган. “Руқъаеким, сафҳаси баёзи мажруҳ, кўнгул жароҳатига кофурий марҳам еткургай ва номаки саводи нуқтасидан оқорғон кўзга мардуми бийно кетургайким, бу ҳижрон дарди бечорасин ва фироқ дашти оворасин анинг била мукаррам қилиб эрдингиз-етти” [2,195]. Шу боис шоиру адиларнинг юрагидан чиқарип ёзган ҳар бир сатри келажак авлодга мактубдир.

Адабиётлар

1. Алишер Навоий. Муншает. Нашрга тайёрловчи: Ю.Турсунов. Тошкент: Маънавият, 2001.
2. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 14-том. Тошкент, “Фан”. 1998. 133-134 бетлар.
3. Ахмедова Ш. Мактубот ва адабий танқид. Германия. Glebeedit.2023.
4. Меҳмет Ундер. Ҳазрати Мавлоно. Тошкент. Янги аср авлоди, 2024.
5. Насриддин, Абдулманон. Куллиёт дар ҳафт чилд. Чилди шашум / Абдулманон Насриддин. – Хучанд: Ношир, 2013. – 764 с.
6. Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. Тошкент, 1978.
7. Радий Фиш.Жалоддин Румий. Тошкент, 2005. Ж.Камол таржимаси.
8. Саримсоқов Б.Ўзбек адабиётида сажъ. Тошкент: “Фан”. 1978.

9. Улуғбек Ҳамдам. Томчиман бир... денгизга ташна // Китобда: Ж.Румий. Етти мажлис. Тошкент. Янги аср авлоди, 2019.

10. Қурбонзода Р.Қ., Доктори илмҳои филология, профессори кафедраи назария ва таърихи адабиёти Донишгоҳи давлатии омӯзгории Тоҷикистон ба номи Садриддин Айнӣ. “Мактубот”-и Чалолуддини Балхӣ ҳамчун сарчашмаи адабӣ ва намуни жанри номанигорӣ.Todas as reações:

11. Faufurov I. Dil erkinligi. Toшkent. "Maъnaviyat". 1998. 78-bet.

12. <https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/fors-tojik-sheriyati/jaloliddin-rumiy>

13. Фарҳанги забони тоҷикӣ. Иборат аз 2 ҷилд. Ҷилди 1. – Москва: Советская энциклопедия, 1969. – 951 с.